

ОКТАБРЬ
ОЙ МАВЗУСИ: “ЎЗБЕКИСТОНДА КУЗ”

Гуруҳ	Ўрта						
Мавзу	Ўзбекистоннинг оқ олтини						
Муддати	Октябрь ойининг 4-хафтаси						
Ривожланиш соҳаларига оид мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Гимнастика нарвонида ҳаракатланиш. Турли кўринишдаги мустақил фаолиятларда фаол ҳаракат қилиш хоҳишини билдириш. Майда деталларни маҳкамлаш ва бўшата олиш. Тўпни отиш ва тутиб олиш.					
	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш	Болалар билан ўйин давомида самимий муносабатга киришиш. Ўз ўйинчоқлари билан ўйнай олиш. Ўз истакларини намоён этиш. Ораста ташқи кўринишга эътибор бериш.					
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Ўз фикрини равои ифодалаш. Ўзига таниш бадиий асарларни айтиб бера олиш. Китобга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш. Кичик қисмлардан конструктор ясай олиш.Таълимий ва сўз ўйинларида иштирок этиш.					
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Теварак-атрофда содир бўлаётган ўзгаришларни сезиш. Катталар меҳнатига ҳурмат ва қизиқиш билан қараш, уларга ёрдам беришни хоҳлаш. Амалий тажрибаларда иштирок этиш. Айрим физик жараёнларни билиш.					
	Ижодий ривожланиш	Санъатга доир айрим касбларни билш. Айрим санъат жанрларини билиш					
Ривожланиш марказлари		Таълимий-тарбиявий фаолият					
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар
Эркин фаолият	Қуриш-яшаш ва математика	Пахта чаноғи		Кубиклар билан ўйин: Расмларни жамла			Намуна, картон, қайчи, пахта, елим
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш	Оқ олтин ўстирамиз					Мавзу бўйича расм, АКТ, пахтакор учун кийим, этак, пахта эгати (елим тувакларда)
	Тил ва нутқ	Ҳикоя: Пахтадан нималар олинади?		Сухбат: Пахтакорлар меҳнати			Мавзуга оид расмлар, пахта маҳсулотлари (совун, ёғ, мато, ип)
	Фан ва табиат	“Пахтадан нималар олинади?” таълимий ўйин					Пахта новдаси, пахтадан олинadиган маҳсулотлар расми
	Санъат	Аппликация: Пахта чаноғи		Яшаш: Ҳосилни терамиз		Аппликация: Пахта чаноғи	Намуна ва канцелярия жиҳозлари, мавзуга оид расмлар
	Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш						

ОКТАБРЬ. ТЎРТИНЧИ ҲАФТА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ОҚ ОЛТИНИ

Қуриш-ясаш ва математика маркази

Пахта чаноғи (табiiй материаллардан)

Мақсад: болалар намуна асосида қурадилар, матонинг шакли ва бўлақлар сонини биладилар, йил фасллари ва улардаги ўзгаришларни таҳлил қила оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: мато, картон, қайчи, пахта, елим, намуна, рангли қоғоз, йил фасллари акс эттирилган расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Пахта чаноғи расмини томоша қилиш.
2. “Қачон бўлади?” таълимий ўйин.
3. Намуна ва кўрғазмаларни кўриш.
4. Амалий иш.
5. Ишлар таҳлили, рағбатлантириш.

Қўшимча: “Пахта” шеърини ўқиш.

Эътиборга молик жиҳати: мустақил равишда вазифани бажара олиш қобилиятларини шакллантириш.

Қуриш-ясаш ва математика маркази

Расмларни жамла

Мақсад: болалар кубиклардан расмлар йиғадилар, фазода мўлжал оладилар: ўнгга, чапга, олдига, орқага тушунчаларини фарқлайдилар

Керакли жиҳоз ва материаллар: кубик, қирқилган расм, ўйинчоқлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Расмларни томоша қилиш.
2. Кубиклардан қайси расмни йиғишни тушунтириш.
3. Мустақил иш.
4. “Қаерга борасан, нима топасан” таълимий ўйин(болаларга команда бериш: чап томонга бор ва у ерда ... топасан, ўнгга, олдинга, орқага....)

Қўшимча: пазллар билан ўйинлар, қирқилган расмлар.

Эътиборга молик жиҳати: болалар идроки, ақлий фаолият ва қўлмайда моторикасини ривожлантириш.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

Оқ олтин ўстирамиз

Мақсад: болалар пахта қандай ўстирилиши, пахтадан нималар олинини ҳақида тасаввурга эга бўладилар, пахтакорлар касби ҳақида айтиб бера оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: мавзуга оид расм, АКТ, “Пахтакорлар далада” мавзусида расм.

Фаолиятнинг бориши:

1. Суҳбат: Пахта -Ўзбекистонимиз оқ олтини.
2. Расмларни томоша қилиш.
3. “Пахтадан нималар олинади?” таълимий ўйин.
4. Қ.Ҳикматнинг “Пахта” шеърини ўқиш.
5. Роллар тақсимооти.
6. Ижро, рағбатлантириш

Қўшимча: мавзу асосида расмлар кўриш. Болалар учун мустақил ўйин: “Пахта ҳосилини терамиз”.

Эътиборга молик жиҳати: жамоада ўйнаш, ролни тўғри ижро этиш.

Тил ва нутқ маркази

Ҳикоя: Пахтадан нималар олинади?

Мақсад: болалар пахтанинг қандай ўсиши, унинг хусусиятлари ва пахтадан нималар тайёрланишини биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: мавзуга оид расмлар, пахтадан олинadиган маҳсулотлар пахта, ёғ, мато в.х.

Фаолиятнинг бориши:

1. Қ.Ҳикматнинг «Пахта» шеърини ўқиш.
2. Пахтакорлар меҳнати ҳақида суҳбат.
3. Расмни томоша қилиш: Пахтадан нималар олинади?
4. Тажрибалар: Пахта матоларининг сифат ва хусусиятлари.

Қўшимча: “Нима нимадан олинади? таълимий ўйин, мавзуга оид адабиётлардан намуналар ўқиш.

Эътиборга молик жиҳати: мустақил фаолиятга эга бўлиш, луғатни бойитиб бориш.

Тил ва нутқ маркази

Суҳбат: Пахтакорлар меҳнати

Мақсад: болалар пахта нималиги, қаерда ўсиши, пахтадан нималар олиниши, пахтакор касби ҳақида тасаввурларини кенгайтирадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: мавзуга доир расм, кишлоқ хўжалик машиналари, ўйинчоқлар, АКТ.

Фаолиятнинг бориши:

1. Пахта йиғим-терими акс эттирилган расмни томоша қилиш.
2. Тарбиячининг пахтакорлар меҳнати ҳақида ҳикояси.
3. Пахтадан тайёрланган матоларни кўриш.
4. “Ҳосил терамиз” таълимий ўйин.
5. “Пахтазорга борамиз” таълимий ўйин.

Қўшимча: мавзуга оид адабиёт ўқиш, кинофильм томоша қилиш. “Пахтакорларга ёрдам берамиз” таълимий ўйин.

Эътиборга молик жиҳати: диққатни жалб қилиш, саволларга тўлиқ жавоб бериш, нутқнинг равонлиги.

Фан ва табиат маркази

Пахтадан нималар олинади?

Мақсад: болалар механизатор касби билан танишадилар, пахтанинг ўсиши ва унга қайта ишлов бериш ҳақида тасаввурга эга бўладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: пахта новдаси, расмлар, пахтадан тайёрланган маҳсулотлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Мавзу асосида суҳбат.
2. Пахтадан қандай нарсалар олиниши тасвирланган расмларни томоша қилиш.
3. Пахтадан олинган нарсаларни томоша қилиш: ип, пахта, мато, ёғ в.х.

Қўшимча: расмларни томоша қилиш, бадиий адабиётлар ўқиш.

Эътиборга молик жиҳати: нутқ равонлигига эътибор бериш.

Санъат маркази

Аппликация: Пахта чаноғи

Мақсад: болалар турли материаллардан фойдаланиб, бир неча қисмлардан яхлит тасвир тузишни ўргатадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: намуна, рангли қоғоз, пахта, елим, мўйқалам, қайчи.

Фаолиятнинг бориши:

1. Пахта ҳақида топишмоқлар.
2. Пахта чаноғини кўриш, унинг ранги ва шаклига эътибор бериш.
3. Болаларга иш жараёнини кўрсатиш.
4. Ижодий иш.
5. Болалар тайёрлаган ишлар кўргазмаси.

Қўшимча: расмларни томоша қилиш, бадиий адабиёт ўқиш.

Эътиборга молик жиҳати: кўл майда моторикасини ривожлантириш, эстетик дидни шакллантириш.

Санъат маркази

Ҳосилни тер

Мақсад: болалар ўзлаштирган усуллар орқали таниш предметларни ясайдилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: пластилин, кленка, салфетка, мева ва сабзавотлар муляжи .

Фаолиятнинг бориши:

1. Мева ва сабзавотлар ҳақида топишмоқлар айтиш.
2. “Ҳосилни тер” таълимий ўйин.
3. Муляжларни томоша қилиш уларнинг ранг ва шаклини аниқлаш.
4. Ижодий фаолият.
5. Болалар ишларининг кўргазмаси.

Қўшимча: мева ва сабзавотлар билан “Дўкон” таълимий ўйинини ўйнаш.

Эътиборга молик жиҳати: ижодий қобилиятни ривожлантириш.

Санъат маркази

Жамоа иши:Пахта даласи

Мақсад: болалар жамоа билан ишлай оладилар, расм чизишнинг турли усуллари қўллайдилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: ватман, гуашь, сув, мўйқалам, паралон, «Пахта ҳосилини йиғиш» мавзусида расм.

Фаолиятнинг бориши:

1. Пахта ҳақида шеър ўқиш.
2. “Пахта ҳосилини йиғиш”мавзусида расм томоша қилиш.
3. Болалар билан суҳбат: Ниманинг расмини чизасиз?
4. Ижодий иш.
5. Болалар ишларининг кўргазмасини ташкил этиш.

Қўшимча: расмларни томоша қилиш ва пахтакорлар меҳнати ҳақида суҳбат, таълимий ўйинлар.

Эътиборга молик жиҳати: жамоа бўлиб ишлашда ўз фикрини билдира олиш, рангларни танлай олиш.